

ЎЗБЕКИСТОН «ЎЗКОММУНХИЗМАТ» АГЕНТЛИГИ  
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**555** **Маиший чиқиндиларни ташиш қоидаларини тасдиқ-  
лаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил  
12 ноябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2625*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябр-  
даги 300-сон «Республиканинг иссиқлик ва сув билан таъминлаш ташки-  
лотларини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қаро-  
рига мувофиқ **буюраман:**

1. Маиший чиқиндиларни ташиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқ-  
лансин.
2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-  
ради.

**Бош директор**

**У. ХАЛМУХАМЕДОВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 16 октябрь,  
104-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

**46 (650)-сон**

**— 51 —**

**555-модда**

Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги  
бош директорининг 2014 йил 16 октябрдаги  
104-сон бўйруғига  
ИЛОВА

## **Маиший чиқиндиларни ташиш ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 6 ноябрдаги 300-сон «Республиканинг иссиқлик ва сув билан таъминлаш ташкилотларини молиявий соғломлаштириш чора-тадбирлари ҳакида»ги қарорига мувофиқ, қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни ташиш қоидаларини белгилайди.

### **1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Қоидаларда қўйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**чиқиндилар** — ишлаб чиқариш ёки истеъмол қилиш жараёнида хом ашё, материаллар, хомаки маҳсулотлар, бошқа буюмлар ёки маҳсулотларнинг ҳосил бўлган қолдиклари, шунингдек ўзининг истеъмол хусусиятларини йўқотган товарлар (маҳсулотлар);

**қаттиқ маиший чиқиндилар** — жисмоний шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти, шунингдек юридик шахсларнинг фаолияти (озиқ-овқат, шишалар, резиналар, қофозлар, тўқимачилик маҳсулотлари, ўраш-жойлаш материаллари, ўзининг фойдаланиш хусусиятларини йўқотган уй-рўзгор асбоблари, супуринди чиқиндиларининг, қаттиқ ёқилғида ишловчи маиший печкалар ва иситиш буғқозонларидан фойдаланиш натижасида вужудга келадиган чиқиндилар) натижасида ҳосил бўлувчи чиқиндилар;

**суюқ маиший чиқиндилар** — жисмоний шахсларнинг ҳаёти ва фаолияти, шунингдек юридик шахсларнинг фаолияти (оқова сувлар, чиқинди тўкиладиган ўралар ва септикларда йиғилиб қолган турли хил суюқ чиқиндилар, ишлаб чиқариш жараёнида ҳосил бўладиган ювинди чиқиндилар, марказлашмаган канализациянинг нажас чиқиндилари) натижасида ҳосил бўлувчи чиқиндилар;

**истеъмолчи** — ижрочи билан қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб кетиш хизматлари бўйича белгиланган тартибда шартнома тузган юридик шахс;

**ижрочи** — тузилган шартнома асосида истеъмолчиларга қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатувчи юридик шахс;

**«сигнал» усули** — хусусий сектордаги шохобчани чиқинди йиғувчи автомашинада айланиб чиқиб, сигнал бериш йўли билан қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни тўплаш.

2. Мазкур Қоидалар Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сон қарори билан тасдиқланган Қаттиқ ва суюқ маиший чиқиндиларни

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й.*

тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш қоидаларига мувофиқ, қаттиқ ва суюқ майший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматларини кўрсатишида қўлланилади.

3. Мазкур Қоидалар радиоактив чиқиндилар, биологик чиқиндилар, даволаш-профилактика муассасалари чиқиндилари, заарли моддаларни атроф муҳитга (атмосферага) чиқариб ташлаш ва заарли моддаларни сув объекtlарига оқизиб юбориш билан боғлиқ бўлган ишлар соҳасидаги муносабатларга нисбатан татбиқ этилмайди.

## **2-боб. Чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқиб кетиш**

### **1-§. Чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқиб кетишни ташкил қилиш**

4. Қаттиқ ва суюқ майший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш бўйича хизматлар:

шахарларда — ихтисослаштирилган санитария-тозалаш ташкилотлари томонидан;

туман марказлари, шаҳарчалар ва қишлоқ аҳоли пунктларида — туман ободонлаштириш бошқармалари ёки ихтисослаштирилган санитария-тозалаш ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

5. Чиқиндиларнинг аниқ ва узлуксиз ташиб кетилишини ташкил қилиш учун ижрочи томонидан қўйидаги чора-тадбирлар амалга оширилади:

чиқиндиларнинг тўпланиш меъёрларини аниқлаш;

чиқиндиларни олиб чиқиб кетишнинг даврий муддатларини белгилаш;

ахлат тўплаш шохобчаларининг контейнерлар билан жиҳозланишини таъминлаш;

истеъмолчилар билан майший чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш бўйича шартномалар тузиш;

махсус транспорт воситаларининг йўналиш жадвалларини ишлаб чиқиш.

6. Қаттиқ ва суюқ майший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишнинг даврийлиги аҳоли яшаш пунктлари, шаҳарнинг санитария ҳолати таъминланишини ва касаллик пайдо қилувчи бактериялар ривожланишининг олдини олиш шароитларини хисобга олган ҳолда, жойлардаги иқлим шароитлардан келиб чиқиб, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан белгиланади, бунда санитария меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ майший чиқиндиларни сақлашнинг охирги муддати ўтиб кетмаслиги лозим.

7. Қаттиқ майший чиқиндиларни олиб чиқиб кетишнинг минимал даврийлиги: чиқинди йиғиш пунктларидан — ҳар куни, хусусий сектордан «сигнал» усулида — уч кунда бир маротаба.

### **2-§. Махсус транспорт воситаларининг ҳаракат йўналишларини ишлаб чиқиш**

8. Махсус транспорт воситаларининг ҳаракат йўналишларини белгилаш

учун ижрочи томонидан йўналиш харитаси ва чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвали тузилади.

9. Йўналиш харитаси ва чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвалида чиқиндилар ташиб кетиладиган обьектларнинг (ахлат тўплаш шохобчалиари, ташкилотларнинг) манзиллари, хизмат кўрсатилганлигини тасдиқловчи ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва телефон рақами ҳамда маҳсус транспорт воситаларининг чиқиндилар ташиб кетиладиган обьектларга етиб бориши масофаси ва вақти кўрсатилади.

Чиқиндилар «сигнал» усулида олиб чиқиладиган жойларда йўналиш харитаси ва чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвалида кўчаларнинг номлари кўрсатилади.

10. Маҳсус транспорт воситаларининг ҳаракат йўналишлари йўналиш харитаси ва чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш жадвали асосида, ҳудуднинг бош режаси ҳамда ҚМҚ 2.07.01-94 «Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли яшаш жойларини режалаштириш ва қуриш» талаблари инобатга олинган холда ижрочи томонидан белгиланади.

11. Ижрочи маҳсус транспорт воситаларининг ҳаракат йўналишларини ишлаб чиқиша қўйидаги маълумотларга асосланиши зарур:

хизмат кўрсатилиши лозим бўлган обьектларнинг ва ҳудуднинг батафсил тавсифи;

алоҳида обьектларда чиқиндиларнинг тўпланиш ҳажми;

ҳудуддаги йўлларнинг холати;

кўчалардаги ҳаракатнинг серқатновлиги;

чиқиндиларни заарсизлантириш ҳамда қайта ишлаш обьектлари ҳақидаги умумий маълумотлар;

хар бир участкадаги контейнерларнинг умумий сони;

чиқиндиларни юклаш ва тушириш ишларига сарфланадиган вақт.

12. Маҳсус транспорт воситаларининг ҳаракат йўналишларини ишлаб чиқиша қўчаларда қайта қатновлар сонини камайтириш, биринчи навбатда серқатнов кўчаларда жойлашган ва чиқиндилар турли тизимларда йифиладиган обьектларни бирлаштириш, йўналишни имкон қадар шаҳар марказидан чиқиндиларни қайта юклаш ёки заарсизлантириш жойи йўналиши бўйича белгилаш, кузовли маҳсус транспорт воситаларидан фойдаланилганда йўналишни кузовнинг сифими тўлиқ банд бўлгунга кадар узайтириш имконияти ўрганилиши зарур.

13. Чиқиндиларни қайта юклаш ва заарсизлантириш жойлари бир нечта бўлганда, маҳсус транспорт воситалари қатновлар сонини камайтиришни хисобга олиб, қайта юклаш ва заарсизлантириш жойларига бириктирилиши лозим.

14. Маҳсус транспорт воситаларининг ҳаракат йўналишлари чиқиндилар ташиб кетиладиган обьектлар ёки уларда тўпланадиган чиқиндилар миқдори, хизмат кўрсатиладиган ҳудудда маҳсус транспорт воситаларининг ҳаракатланиш шарт-шароитлари ўзгарганда қайта кўриб чиқилиши керак.

**3-§. Қаттиқ майший чиқиндилаарни саралаш ва олиб чиқиб кетиш**

15. Вазирлар Махкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сон қарори билан тасдиқланган Қаттиқ ва суюқ майший чиқиндилаарни тўплаш ва олиб чиқиб кетиш хизматлари кўрсатиш қоидаларига мувофиқ, истеъмолчилар қаттиқ майший чиқиндилаарни бир маротаба ишлатиладиган пакетларга алоҳида-алоҳида жойлаб дастлабки саралашни ва уларни қўйидаги турларга ажратишни амалга оширишлари шарт:

1) пластмасса (пакетлар, идиш, тара, ўйинчоқлар, бутилкалар): қаттиқ пластмасса (пластмассадан ясалган мебель, резина пойабзал), юмшоқ пластмасса (шампундан бўшаган флаконлар, идишлар ва ҳоказолар);

2) металл чиқиндилари (металлдан ишланган турли майший маҳсулотлар ва идиш-товоқ чиқиндилари, таралар, жумладан консерва банкалари): кора металл чиқиндилари (панжаралар, сим тўсиқлар, қувур қийқиндилари, арматура, майший жихозлар ва хўжалик анжомлари), рангли металл чиқиндилари (алюминий симлар, мис симлар, алюминийдан ишланган идишлар, ўй-рўзгор буюмлари), шиша (шишадан тайёрланган турли майший маҳсулотлар ва идишлар чиқиндилари, таралар, бутилкалар);

3) қофоз чиқиндилари (қофоз, картон ва қофоз маҳсулотига тенглаштирилган бошқа маҳсулотлар чиқиндилари), ип-газламаларнинг қийқимлари ва бўлаклари, эски увада латталар;

4) қайта ишлаш ва утилизация учун ярамайдиган биологик ва бошқа чиқиндила (кундалик ишлатиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари чиқиндилари, жумладан турли хил озуқа, янги мева, полиз ва сабзавот маҳсулотларининг пўстлоқлари).

16. Чиқиндилаарни ахлат тўплаш шохобчаларига жойлаштириш учун кўп квартирали уйлардаги истеъмолчилар қаттиқ майший чиқиндилаарни турлари бўйича пакетларга жойлаб, тегишли контейнерларга ташлайдилар. Хусусий уйларда яшовчи истеъмолчилар эса, сараланган қаттиқ майший чиқиндилаарни ўз уйларида сақлаб, «сигнал» усулида келган маҳсус транспорт воситасига жойлаштирадилар.

17. Қаттиқ майший чиқиндилаарни ахлат тўплаш шохобчаларидан алоҳида-алоҳида турларга ажратиш талаб этилса, бу вазифа санитария жиҳатидан тозалаш бўйича ихтисослаштирилган ташкилотлар ёки ободонлаштириш бошқармалари томонидан амалга оширилиши керак.

18. Таркибида симоб бўлган лампаларни тўплаш лампаларга шикаст етказилишига имкон бермайдиган ва ундаги симобли моддаларни ҳаво муҳитига, сув таъминоти манбаларига, тупрок ва озиқ-овқат маҳсулотларига тегиб кетишидан сақловчи маҳсус тараларда амалга оширилади.

19. Контейнерлардан чиқиндилаар тушиб кетиши ва ходимларга жароҳат етказишининг олдини олиш учун улар умумий ҳажмининг 90 фоизига кадар тўлдирилиши керак.

20. 80 — 100 литр сифимли контейнерлар икки филдиракли енгил ара-

вада ташилиши керак. Аравалар бўлмаганда, контейнерлар чиқиндиларни маҳсус транспорт воситасига юқлаш жойидан 10 метрдан узоқ бўлмаган масофада жойлаштирилиши зарур.

21. Контейнерлардан иккилами хом ашёни ажратиб олиш тақиқланади.

22. Контейнерлар чиқиндилардан тўлик, қолдиқсиз тозаланиши зарур. Улар ҳар доим соз қопқоқ билан беркитилган бўлиши ҳамда санитария талабларига мувофиқ дезинфекция қилиниши лозим.

23. Чиқиндиларни ташиб кетиш учун маҳсус транспорт воситаларининг тури ва сони ташиладиган чиқиндиларнинг ҳажми, олиб кетиш даврийлиги ва маҳсус транспорт воситаларининг самарадорлигини инобатга олган ҳолда аниқланиши керак.

#### **4-§. Суюқ майший чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқиб кетиш**

24. Канализация тизими мавжуд бўлмаган уйлардаги суюқ майший чиқиндилар уларнинг тўпланиш меъёри чиқинди ташланадиган ўранинг ўтказувчанлик даражасига, тупроқнинг фильтрлаш коэффициенти, сизот сувларнинг сатҳи ва ҳар бир жисмоний шахс томонидан ишлатилган сувга боғлиқ ҳолда белгиланади.

Суюқ чиқиндиларнинг тўпланиш меъёри чиқинди ташланадиган ўранинг ўтказувчанлик даражасига, тупроқнинг фильтрлаш коэффициенти, сизот сувларнинг сатҳи ва ҳар бир жисмоний шахс томонидан ишлатилган сувга боғлиқ ҳолда белгиланади.

25. Суюқ майший чиқиндилар ташланадиган ўраларнинг деворлари ва туби сув ўтказмайдиган, ер устки қисми ювиш ва дезинфекциялашга қулай бўлиши, уларни жойлаштиришда маҳсус транспорт воситаларининг эркин харакатланиши учун зарур жой назарда тутилиши зарур.

26. Суюқ майший чиқиндилар тўкиш станциялари, маҳсус ассенизация далалари ва бундай чиқиндиларни қабул қилиш ҳамда заарсизлантиришга мўлжалланган бошқа жойларга олиб кетилиши лозим.

#### **5-§. Йирик ўлчамли чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқиб кетиш**

27. Йирик ва габаритли чиқиндилар (мебель, совутгичлар, велосипедлар, газ плиталари, болалар аравалари), қорамол гўнги, курилиш чиқиндилари, тупрок, агротехника ишлари натижасида пайдо бўладиган чиқиндилар (новдалар, дараҳт таналари, тўнкалар ва шох-бутоклар) (бундан буён матнда йирик ўлчамли чиқиндилар деб юритилади) хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, профессионал бошқарув ташкилотлари томонидан тайинланган, вақтинчалик маҳсус ажратилган жойларга йиғиб турилиши керак.

28. Йирик ўлчамли чиқиндилар тўплаш жойлари қаттиқ қопламали ва маҳсус транспорт воситаларининг харакатланиши учун қулай ҳамда хизмат кўрсатиладиган уйларга 20 метрдан яқин ва улардан 300 метрдан узоқ бўлмаган масофада жойлаштирилиши керак.

29. Йирик ўлчамли чиқиндиларни олиб чиқиб кетиш учун ағдарма очик кузовли ёки катта ҳажмли турар жойлар худудида ажратилган махсус майдонларда ўрнатиладиган бункер тўплагичлар билан таъминланган махсус транспорт воситаларидан фойдаланиш керак.

30. Йирик ўлчамли чиқиндиларни контейнерларга ташлаш ва улардаги чиқиндилар билан биргаликда ташиш тақиқланади.

31. Йирик ўлчамли чиқиндилар уларнинг тўпланиш меъёrlарига мувофиқ, бироқ ҳар ойда камида икки маротаба олиб чиқиб кетилиши зарур.

### **6-§. Чиқиндиларни йўлларда ташиш**

32. Ижрочи махсус транспорт воситаларини санитария қоидалари ҳамда техника хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган ҳолда йўналишга чиқариши керак.

33. Махсус транспорт воситаларини йўналишга чиқаришдан олдин уларнинг техникавий, санитария ҳолати ва ташки кўриниши кўздан кечирилиши лозим.

34. Махсус транспорт воситасининг экипажи ҳайдовчи ва юкловчилардан иборат бўлиши зарур.

35. Чиқиндиларни махсус транспорт воситасининг белгиланмаган жойларига қўйиб ташиш тақиқланади.

36. Чиқиндиларни ташишга ихтисослаштирилмаган — ағдарма, бортли транспорт воситаларидан махсус транспорт воситаси сифатида фойдаланилганда, сочилувчи жисмларнинг йўлга тўкилиши ва суюқлик (фильтрат) оқишининг олдини олиш чоралари кўрилиши лозим.

### **7-§. Чиқиндиларни полигонга жойлаштириш**

37. Полигон худудига кираётган ва ундан чиқиб кетаётган махсус транспорт воситалари кириш пунктида махсус дезинфекцияловчи тўсиқдан ўтиши, оғирлиги тарозида тортилиши, рўйхатга олиниши керак.

38. Махсус транспорт воситаларининг полигонга кириши ва унинг худудида ҳаракатланиши тасдиқланган йўналишлар бўйича амалга оширилиши зарур.

39. Чиқиндиларни тушириш вақтида махсус транспорт воситаси қўл тормозида ишончли тўхтатилган, ҳаракатни алмаштирувчи мосламадаги пастки узатмадан ёки орқага ҳаракатланувчи узатмадан узиб қўйилган бўлиши керак.

40. Махсус транспорт воситаси ёки тиркаманинг бортлари камида икки нафар ходим томонидан очилиши лозим.

41. Бортларни очишдан олдин юклangan чиқиндилар хавфсиз ҳолатда эканлигига ишонч ҳосил килиниши зарур.

42. Юк устига ёпилган брезент ёки бошқа материални олиб ташлаш учун кузов устига чиқиш ман этилади. Бунда бу иш бортлар очилгандан кейин

ердан туриб бажарилиши керак. Брезент ёки бошқа материални бортларни очмасдан олиб ташлаш лозим бўлганда мазкур иш маҳсус транспорт воситасининг зинапояси устида ёки бошқа хавфсиз жойда турган ҳолда бажарилиши керак.

43. Бортли транспортлардан чиқиндиларни кўлда тушириш шамолга тескари ҳолатда, унинг фақат бир томонидан амалга оширилиши лозим.

44. Полигон ҳудудида маҳсус транспорт воситалари ҳаракатланадиган йўллар қаттиқ қопламали йифма қисмлардан ишланган бўлиши, улар қишида муздан тозаланиб, кум ёки шлак сепиб қўйилиши лозим.

45. Чиқиндиларни тушириш майдончасида маҳсус транспорт воситалари кетма-кет жойлаштирилганда, уларнинг оралиги 1 метрдан, ёнма-ён турган маҳсус транспорт воситалари орасидаги масофа эса 4 метрдан кам бўлмаслиги зарур.

46. Ҳар бир чиқинди тушириш майдончаси кириш жойида ушбу ҳудудда бир вақтнинг ўзида тўхташи ва ишлаши мумкин бўлган маҳсус транспорт воситаларининг сони кўрсатилган бўлиши керак.

47. Қоронги вактларда ишларни бажариш учун чиқиндиларни тушириш майдончалари зарур меъёрда ташки ёритиш манбаси билан таъминланган бўлиши лозим.

48. Ағдарма транспортларни кузатиб борувчи юкловчилар ва бошқа шахслар полигон ҳудудига киришлари тақиқланади. Улар маҳсус транспорт воситасининг қайтишини полигоннинг майший хоналарида кутишлари керак.

### **3-боб. Маҳсус транспорт воситаларидан фойдаланишга қўйиладиган талаблар**

#### **1-§. Умумий талаблар**

49. Ҳар бир маҳсус транспорт воситаси ростлаш ва майда таъмирлаш учун зарур асбоб-ускуна ҳамда мосламалар билан таъминланган бўлиши керак.

50. Маҳсус транспорт воситаларининг ташки қопламасида ва тиркамалирида хизмат кўрсатувчи ходимларнинг шикастланишига сабаб бўладиган ўткир ва юлинган қирралар, ёриқлар ва бошқа нуқсонлар бўлмаслиги керак.

51. Маҳсус транспорт воситаларининг зинапояси, қанотлари ва тиркамалирида одам ташиш тақиқланади.

52. Барча турдаги маҳсус транспорт воситаларидан белгиланмаган мақсадларда фойдаланиш қатъиян тақиқланади.

### **2-§. Кузовли маҳсус транспорт воситаларидан фойдаланишга қўйиладиган талаблар**

53. Кузовдан йўлга чиқиндилар ёки суюқлик тўкилиши мумкин бўлган тирқишлир ва нозич бирикиш жойлари бўлган транспорт воситаларидан чиқиндиларни ташишда фойдаланиш тақиқланади.

54. Кузовли махсус транспорт воситаси тросларининг созлиги, уларнинг рама остидалиги, бункер қопқоғи кронштейнларига маҳкамлаш мосламаларининг холати, трослар блокининг маҳкамлагичи, шунингдек тросларнинг таранглиги мунтазам равишида текшириб турилиши лозим.

55. Кузовли махсус транспорт воситасини силтантариш ёки кескин харатлантириш йўли билан кузовдан чиқиндиларни тушириш тақиқланади.

56. Кузовли махсус транспорт воситасини кузови кўтарилган холатда юргизиш тақиқланади.

57. Чиқиндиларни кузовли махсус транспорт воситаси кузовидан туширмасдан ундан иккиласми хом ашёни ажратиб олиш тақиқланади.

### **3-§. Махсус ассенизация транспорти воситаларидан фойдаланишга қўйиладиган талаблар**

58. Махсус ассенизация транспорти воситаларини суюқ майший чиқиндилар ташланадиган ўрага яқинлаштиришдан олдин иш жойини диққат билан кўздан кечириши ва транспорт воситаси ҳамда ходимнинг ўрага хавфсиз яқинлашишини таъминлайдиган минимал масофани аниқлаб олиши керак. Махсус ассенизация транспорти воситаси юк ортиладиган жойга ўрнатилгандан сўнг, тормозлаб қўйилиши, уни киялиқда тўхтатиш зарур бўлганда эса, филдираклари остига поналар ёки қистирмалар қўйилиши лозим.

59. Тортиш ишлари якунлангач, сўрувчи шланг сув билан ювиб тозаланиши зарур.

60. Махсус ассенизация транспорти воситасининг насос ва узатма механизмини мойлаш двигатель ўчирилган холатда амалга оширилиши зарур.

61. Махсус ассенизация транспорти воситалари кўчаларда ифлосланган ва нуқсонлари бўлган холда харакатланиши тақиқланади.

### **4-боб. Атроф табиий мухитни муҳофаза қилишга қўйиладиган талаблар**

62. Ижрочи майший чиқиндиларни ташишда атроф табиий мухитнинг чиқиндилар билан ифлосланишининг олдини олиш чораларини кўриши зарур.

63. Чиқиндиларни ахоли пунктлари ерларида, табиатни муҳофаза қилиш, соғломлаштириш, рекреация мақсадларига мўлжалланган ерларда ва тарихий-маданий аҳамиятга молик ерларда, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига, шунингдек табиатни муҳофаза қилиш объектларига ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларга заар етказиш таҳди迪 келиб чиқиши мумкин бўлган бошқа жойларда сақлаш ва бундай жойларга кўміб ташлаш тақиқланади.

### **5-боб. Якуний қоида**

64. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси,

**46 (650)-сон**

**— 59 —**

**555-модда**

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги ва «Саноатгеоконтехназорат» Давлат инспекцияси билан келишилган.

*Ички ишлар вазири*

*A. АХМЕДБОЕВ*

*2014 йил 15 октябрь*

*Соғлиқни сақлаш вазири*

*A. АЛИМОВ*

*2014 йил 15 октябрь*

*Давлат архитектура ва  
қурилиш қўмитаси раиси*

*B. ЗОКИРОВ*

*2014 йил 15 октябрь*

*Табиатни муҳофаза қилиш  
давлат қўмитаси раиси*

*B. АБДУСАМАТОВ*

*2014 йил 15 октябрь*

*Ўзбекистон стандартлаштириш,  
метрология ва сертификатлаштириш  
агентлиги бош директори*

*A. ҚУРБАНОВ*

*2014 йил 15 октябрь*

*«Саноатгеоконтехназорат»  
Давлат инспекцияси бошлиги*

*B. ГУЛЯМОВ*

*2014 йил 15 октябрь*